# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)* бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Расмий нашр**

# ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

**Государственные образовательные стандарты непрерывного образования Узбекистана**

**Государственный образовательный стандарт высшего образования**

**Государственный образовательный стандарт направления образования бакалавриата *5610100 – Сфера услуг (ресторанное дело)***

**Издание официальное**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

O'z DSt 36.1673 :2014

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

**Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари**

**Олий таълимнинг давлат таълим стандарти**

***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)* бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти**

**Расмий нашр**

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Тошкент**

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

# СЎЗ БОШИ

## 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази;
- Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти.

## 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил «16» 07 даги 84 - сонли буйруги.

## 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги. 05-616 от 26.01.2015

## 4. ИЛК БОР КИРИТИЛГАН.

*Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўгрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.*

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

# МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1 | **Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари** ............................. | 1 |
| 2 | **Қўлланиш соҳаси** ............................................................................ | 2 |
| 3 | **Атамалар, таърифлар, қисқартмалар** ............................................. | 3 |
| 4 | **Таълим йўналишининг тавсифи** ......................................................... | 4 |
| 5 | ***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи** ............................. | 4 |
| 6 | **Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар** ............. | 5 |
| 7 | **Таълим дастурларининг мазмуни ва компонентлари** ............................ | 25 |
| 8 | **Бакалавриатнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар** ............................. | 41 |
| 8.1 | Бакалавриатнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишига белгиланган умумий талаблар ............................................................ | 41 |
| 8.2 | Таълим дастурларининг татбиқ этилиши ............................................. | 42 |
| 8.3 | Малака амалиётини ташкил этиш талаблари ........................................ | 42 |
| 8.4 | Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар ...... | 43 |
| 8.5 | Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари ............................................................ | 43 |
| 8.6 | Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар ...................... | 44 |
| 9 | **Бакалавр тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш** ............................................................ | 45 |
| 10 | **Эслатма** ............................................................................................ | 45 |
| 11 | **Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати** ............................ | 46 |
| 12 | **Илова** ................................................................................................ | 47 |
| 13 | **Библиографик маълумотлар** ................................................................ | 48 |
| 14 | **Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари** ............................................................ | 49 |




O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI METROLOGIYA...
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

# Ўзбекистон узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари Олий таълимнинг давлат таълим стандарти *5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)* бакалавриат таълим йўналишининг давлат таълим стандарти

# Государственные образовательные стандарты непрерывного образования Узбекистана Государственный образовательный стандарт высшего образования Государственный образовательный стандарт направления образования бакалавриата *5610100 – Сфера услуг (ресторанное дело)*

# State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan State Educational Standards of Higher Education State Educational Standard on the level of bachelors of *5610100 – Branch of Services (restaurant business)*

Амал қилиш муддати «30» 01 2015 йилдан
«___» ________ 201_ йилгача

## 1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим йўналиш бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланилди:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги "Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 210-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли Қарори.

6.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлдаги 341-сонли Қарори.

7.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1754-сонли Қарори.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
5376 son bilan
«26» 01 2015 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

9.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июлдаги 302–сонли буйруғи билан тасдиқланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори".

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 190-сонли буйруғи.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 281-сонли буйруғи.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 446-сонли буйруғи.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 158-сонли буйруғи.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги «Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларининг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 289-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 365-сонли Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги «2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1957-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 199-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 июндаги «2014-2015 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул қилиш тўғрисида»ги ПП-2193-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 13 сентябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 364-сонли буйруғи.

## 2. Қўлланиш соҳаси

**2.1.** Олий таълимнинг ушбу давлат таълим стандарти (ОТ ДТС) ***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастурлари ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**2.2.** Олий таълим муассасаси мазкур таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ДТС асосида таълим дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI ... AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ... JORIY ETISH BOSHQARMASI

**2.3.** ОТ ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши ва тайёргарлик даражаси бўйича фан, техника ва ижтимоий соха ютукларини хисобга олган холда асосий таълим дастурларини сифатли ишлаб чикиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўкитувчилари;

– таълим йўналишларининг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошкарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини бахолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтихон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат килувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукукига эга бўлган абитуриентлар ва бошка манфаатдорлар.

## 3. Атамалар, таърифлар, кискартмалар

Мазкур стандартда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги Конуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури хамда олий таълим сохасидаги халкаро хужжатларга мос равишда атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

**касбий фаолият тури** – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш максадида касбий фаолият объектига таъсир килишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

**компетенция** – тегишли сохада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

**модул** – тарбиялаш ва ўкитишга йўналтирилган максадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантикий тугалланганликка эга бўлган ўкув фани (курси) ёки ўкув фанлари (курслари)нинг маълум бир кисми;

**таълим йўналиши** – таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган "бакалавр" академик даражаси доирасида касб фаолиятининг муайян турини бажаришни таъминловчи асосий ва фундаментал билимлар, укувлар ва кўникмалар комплекси;

**касбий фаолият объекти** – предметлар, вокеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида харакатга йўналтирилган тизимлар;

**касбий фаолият сохаси** – илмий, ижтимоий, иктисодий, ишлаб чикаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

**бакалавриат** - олий таълим йўналишларидан бири бўйича пухта билимлар берадиган, ўкиш муддати камида тўрт йил бўлган таянч олий таълим;

**бакалавриатнинг таълим дастурлари (бакалавриат дастури)** – ўкув фанларининг бакалавриат йўналишларига кўйиладиган малака талабларига мувофик кадрларнинг зарурий ва етарли даражадаги тайёргарлигини таъминловчи блокларга жамланган рўйхати;

**ўкув-ўрганиш натижалари** – ўзлаштирилган билимлар, амалий малакалар, кўникмалар мажмуи.

**ДТС** – давлат таълим стандарти;

**АРМ** - ахборот ресурс маркази;

**ИТИ** - илмий тадкикот институтлари;

**ОТМ** - олий таълим муассасаси.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

## 4. Таълим йўналишининг тавсифи

**4.1.** ***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг таълим дастури амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

**4.2.** Таълим дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Таълим дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малакаси**

| Таълим дастурининг номи | Малака (даража) | Таълим дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|---|---|
| Бакалавриат таълим дастури | Бакалавр | 4 йил |

## 5. *5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи

**5.1. Бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳаси:**

***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** – фан-техника, ташкилий-бошқарув хизматлар соҳаси таълим йўналиши бўлиб, у сервис хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга оид масалаларни ечишни, савдо зали метрдотели, умумий овқатланиш менежери, савдо зали мудири, ресторан мудири, ресторан бош официанти, ресторатор, умумий овқатланиш соҳаси бўйича эксперти фаолияти билан боғлиқ бўлган мажмуни қамраб олади.

**Бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

– ресторан иши хизмат кўрсатиш жараёнларини ва технологияларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва оптималлаштириш;

– маҳсулот сифатини таъминлаш ва сертификатлаштириш методларини қўллаш;

– хизмат кўрсатиш сервисида кечадиган жараёнлар бўйича математик моделларни қўллаш;

– овқатланиш корхоналарида сервис хизмат кўрсатиш модернизациялаш стратегиясини белгилаш ва қўллаш;

– компьютер технологиялари ва дастурланиши;

– сервис хизмат кўрсатиш техник эксплуатацияси ва тамойилларини тузиш ҳамда лойиҳалаш;

– билимлар инженерияси;

– тизимли ёндошув механизмларини татбиқ этиш;

– дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженерияси.

**5.2. Бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** таълим йўналиши бакалаврларининг **касбий фаолияти объектлари -** мос овқатланиш корхоналарида хизмат кўрсатиш сервиси ва бошқа хизматлар соҳаси корхоналари техникавий, ташкилий фаолиятларни ўз ичига олади.

**5.3. Бакалаврнинг касбий фаолиятининг турлари:**

- *Илмий-тадқиқот;*
- *Ишлаб чиқариш;*
- *Ташкилий бошқарув;*
- *Консалтинг хизмати* ва шу кабиларни ўз ичига олади..

Бакалавр тайёрланадиган касбий фаолиятнинг муайян турлари, таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**5.4. Касбий мослашув имкониятлари**

***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** бакалавриат таълим йўналишини тугатган бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида махсус фанлардан дарс бериш ҳуқуқига эга бўлади.

**5.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***5610100–Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин *5А610101–Хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)* магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, бакалавр ўрнатилган тартибда олий таълим муассасаларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларида мустақил изланувчи сифатида ўқишни давом эттириши мумкин.

## 6. Бакалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар

**6.1.** ***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талабалар:

**а) умумий талаблар:**

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши ҳамда ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурати тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

**Бакалавр:**

– таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

– тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

– кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими учун тайёрланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATI MUTOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

*б)* **касбий талаблар:**

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг моделларини тузишда замонавий информацион технологиялардан фойдаланиш;

– хизмат ва технологик жараёнларининг сифатини таъминлаш тизимининг такомиллаштириш;

– фан, техника, технология, этиканинг замонавий ютуқлари асосида ишлаб чиқариш хизмат кўрсатиш ва ташкилий-бошқарув фаолиятидаги муаммоларни профессионал даражада еча олиш;

– корхоналар тизими ходимларининг соғлигини ва ишга қобилиятлилигини саклаш ва уларнинг меҳнат жараёнларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш;

– истеъмолчилар ҳаёти ва хизматларни истеъмол қилиш учун қулай шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга татбиқ этиш;

– ўзининг касбий фаолиятида хизмат истеъмолчиларига хизмат кўрсатишнинг, маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ва технологик жараёнларини бошқаришни замонавий усулларини қўллай олиш;

– ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;

– бажарилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва технологик масалаларини фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда касбий ечиш;

– ишлаб чиқаришда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича мутахассисларга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

– хизматлар соҳаси ишлаб чиқаришида хизмат кўрсатиш сервиси технология ва техник воситаларидан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

**Ишлаб чиқариш фаолиятида:**

– хизмат кўрсатиш учун тармоқ корхоналарини ташкил эта олиш;

– маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ҳамда хизмат сифатини таъминлаш тизимини бошқаришни амалга татбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, технологик жиҳозлардан фойдаланиш ҳамда хизматларнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг стабиллик, мустаҳкамлигини ва ишончлигини текширувдан ўтказа олиш;

– касбий этика ва ижтимоий нуқтаи назардан ўзининг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш фаолияти бўйича касбий ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қила олиш;

– хизмат истеъмолчиларининг дам олишини ташкил эта олиш, хизмат кўрсатишнинг услубларини такомиллаштириш, янгиларини ишлаб чиқиш, амалдаги технология ва меъёрий техник ҳужжатларни такомиллаштиришни ташкил этиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

**Ташкилий бошқарув фаолиятда:**

– ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;



O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI METROLOGIYA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ILMIY-TADQIQOT INSTITUTI

– замонавий ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги, сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

– касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

– ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;

– ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

– фикрлар хар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

– бирламчи ишлаб чиқариш, звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

– бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;

– ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

**Консалтинг хизмати фаолиятида:**

– йўналиш бўйича ресторанннинг хизматлар соҳасидаги мавжуд ҳолатнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;

– хизматлар соҳаси таълим йўналишига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;

– йўналишга мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

**6.2. Таълим дастурлари бўйича билим, малака ва кўникмаларга қўйилган талаблар**

**6.2.1. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар бўйича талаблар**

*Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар* блоки бўйича талаблар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган «*«Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар»* блоки бўйича бакалаврлар тайёргарлик даражаси ва зарурий билимлар мазмунига қўйилган талаблар» асосида белгиланади.

**6.2.2. Математик ва табиий-илмий фанлар бўйича талаблар**

**6.2.2.1. Олий математика фани бўйича**

**Бакалавр:**

– математика дунёни билишнинг ўзига хос усули, унинг тушунчалари ва тасаввурининг умумийлиги;

– математиканинг хозирги замон тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини англаш;

– математик мушоҳада, фазовий тасаввур, абстракт тафаккур алгоритмик фикрлаш;

– системалар ҳақида тушунча;

– тўпламлар назарияси;

– функция тушунчаси ва унинг лимити ҳамда узлуксизлиги;

– қаторлар ва дефференциал тенгламалар назарияси;

– математик моделлар ***ҳақидаги тасаввурга эга бўлиши;***

– математик таҳлил: аналитик геометрия, чизиқли алгебра, комплекс, кўп ўзгарувчили функция назарияси ва статистик математика, дискрет математика асосий тушунчалари ва методларини;

– икки нуқта орасидаги масофа ва кесмани берилган нисбатда бўлиш;

– текисликда тўғри чизиқ тенгламалари, иккинчи тартибли чизиқ ва унинг тенгламасини;

– детерминантларни ҳисоблаш ва матрицалар устида амалларни бажаришни;

– чизиқли тенгламалар тизимини ечиш усулларини;

– комплекс соннинг алгебраик, тригонометрик, кўрсаткичли шаклларини;

O'ZBEKISTON ... STANDARTLASHTIRISH, ... NAZORATINI ... AXBOROT TEXNO... JORIY ...

– дифференциал ва интеграл ҳисоб, унинг иқтисодиётга татбиқини;
– кўп ўзгарувчили функциялар, қаторлар ва дифференциал тенгламалар назариясини;
– техника, технологик ва иқтисодиётдаги энг оддий тизимлар ва жараёнларни математик моделлаштиришни;
– муаян жараёнлар учун эхтимолий моделларни ва тузилган модел доирасида ҳисобларни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
– математик фикрлаш, исбот қилиш, хулоса чиқариш;
– объектларнинг миқдорий ва сифат нисбатларини ифодалаш учун математик символлардан фойдаланиш;
– оддий иқтисодий масалаларнинг айрим моделларини туза билиш ва уни таҳлил қилиш;
– моделларнинг иерархик тузилмаси ва олинган натижалар қўлланилиш чегараларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда моделларни тадқиқот қилиш;
– алгебарик тенгламаларни аналитик ва сонли ечиш;
– экспериментал маълумотларга ишлов беришнинг асосий методлари ва усулларидан фойдаланиш;
– дифференциал ва интеграллаш;
– оддий дифференциал тенгламаларни тадқиқот қилиш, уларни аналитик ва сонли ечиш;
– математик физиканинг асосий тенгламаларини аналитик ва сонли ечиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак;***

**6.2.2.2. Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича**

**Бакалавр:**

– ахборот маданияти ва ахборотлашган жамият;
– замонавий ахборот технологиялари, уларнинг фан-техника тараққиётида, ҳамда жамият ривожида тутган ўрни;
– ахборотлаштириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
– ахборот жараёнларининг аппарат таъминоти ва ташкил этувчилари;
– ахборотларга ишлов бериш қурилмалари ва уларнинг таснифи;
– ахборот жараёнларининг дастурий таъминоти ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
– «Информатика ва ахборот технологиялари» фанининг моҳияти, мақсади ва вазифаларини;
– ахборот ва маълумотларнинг тавсифи ва хусусиятларини;
– компьютернинг арифметик ва мантиқий асосини;
– ахборотнинг алгоритмик назариясини;
– операцион тизим файллар менежерини;
– қаттиқ дискларга хизмат кўрсатишни ташкил этишни;
– матн процессорлари ёрдамида мураккаб, расмий ва электрон ҳужжатларни шакллантиришни;
– электрон жадвалларни қайта ишлашда жадвал процессорларининг функционал имкониятларидан оптимал фойдаланишни;
– ахборотларни тақдимотлар кўринишида шакллантириш технологиясини;
– график маълумотлар билан ишлаш технологияларини;
– алгоритмнинг хоссаларини;
– алгоритмларни тасвирлаш усулларини;
– масалаларни компьютерда ечиш босқичларини;
– замонавий дастурлаш технологияларини;
– маълумотлар базасини;
– ахборот технологияси ва ахборот тизимларини;

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
METROLOGIYA VA SERTIFIKATLASHTIRISH MARKAZI
AXBOROT TEXNOLOGIYALARI
ASOSIY ETISHI BO'LIMI

– электрон ҳужжат айланиш тизимини;
– ахборот тизимларининг интерактив хизматларини;
– автоматлаштирилган иш жойлари ҳақида тушунчани ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
– локал, минтақавий ва глобал тармоқлар;
– компьютер тармоқлари архитектураси;
– симли ва симсиз тармоқлар;
– интернет ва интернет тармоғи, уларни ташкил этиш;
– веб-саҳифа ва унинг тузилиши;
– веб браузерлар ва уларнинг имкониятлари;
– интернет тармоғи қидирув тизимлари;
– электрон почта хизмати;
– интернет электрон тўлов ва тижорат тизимлари;
– масофавий таълим технологиялари;
– веб дастурлаш ва интернет ресурсларини яратиш;
– ахборот хавфсизлиги тушунчаси;
– ахборот хавфсизлиги сиёсати;
– ахборотларни ҳимоялаш усуллари;
– компьютер вирусларидан ҳимояланиш;
– компьютер тармоқлари хавфсизлигини таъминлаш воситалари билан ишлаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.2.3. Физика ва кимё фани бўйича**

**Бакалавр:**

– Физика фанининг асослари;
– механика, қаттиқ жисмларнинг айланма ҳаракати, суюқликлар ҳаракати;
– молекуляр физика, моддаларнинг агрегат ҳолатлари, идеал газ модели;
– электр ва магнетизм, жисмларни зарядлантириш;
– оптика, атом ва ядро физикасининг элементлари;
– электромагнит тебранишлар ва тўлқинлар;
– ёруғлик табиати;
– микрозарраларнинг тўлқин хусусиятлари;
– Кимё фанининг асосий тушунчалари ва аҳамияти;
– атом молекуляр таълимотнинг замонавий талқини;
– материя, модда, атом, молекула ва кимёвий элемент тушунчаси;
– кимёвий элементларнинг ер қобиғи ва коинотда тарқалиши;
– кимёвий боғланиш механизми;
– кимёвий кинетика ва мувозанат тушунчалари;
– эритмалар умумий тавсифи ва уларнинг аҳамияти;
– электролитик диссоциланиш назарияси;
– катион ва анион бўйича тузлар гидролизи механизми;
– оксидланиш-қайтарилиш реакциялар моҳияти;
– комплекс бирикмалар тўғрисидаги тушунча ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***
– моддий нуқта кинематикасини;
– физика қонунларини;
– энергия сақланиш қонуни ва удар тўғрисидаги фикрларни;
– суюқликлар ва қаттиқ жисмларнинг физикавий хоссаларини;
– ўзгармас ток ва унинг қонунларини;
– магнит майдон ва уни токли ўтказгичга таъсирини;
– суюқлик ҳаракатига механик қонунларни қўллашни;
– механик тебранишлар, тўлқинлар, товуш табиатини;
– ҳолат тенгламасини, квант хоссаларини;

- геометрик оптика конунларини;
- турли мухитда электр токининг хусусиятларини;
- атомнинг таркибий зарралар, микро зарраларнинг тўлкин хусусиятларини;
- ядронинг таркибини;
- кимёнинг асосий стеохиметрик модлалар массасининг сакланиш,таркибининг доимийлик, эквивалентлар, каррали нисбат, Авагадро конунларини;
- элементлар даврий системасини;
- элементлар атомларининг электрлари, квант сонларини;
- кимёвий богнинг турлари ва асосий хусусиятларини;
- массалар таъсири конунини;
- кимёвий реакция тезлигига таъсир этувчи омилларни;
- кимёвий реакциянинг тезлик доимийси ва кинетик тенгламаларни;
- кимёвий оддий ва мураккаб реакцияларни;
- дисперс тизимлар, эмулсия ва суспензияларни;
- эритмалар хоссаларини;
- диссоциация жараёни ва унга таъсир этувчи омилларни;
- сувнинг диссоцияланишини;
- тузлар гидролизи даражаси ва доимийсини;
- оксидланиш-кайтарилиш реакциялар турларини;
- комплекс бирикмалардаги кимёвий боглар табиатини;
- токсик ва канцероген элементларни ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
- табиат конунларини инсоният эхтиёжлари учун фойдаланиш;
- ходиса моделини ярата билиш;
- янги материал ва махсулотлар таркиби сифатини аниклашда физикавий усуллардан фойдаланиш;
- физик асбоб-ускуналарни тажрибаларда кўллай олиш;
- мустакил физикавий тажриба ўтказиш;
- тажриба натижаларини ишлаб чикиш, хулосалар килиш;
- тажриба ўтказишда техника хавфсизлигига риоя этиш;
- физикавий масалаларни еча олиш;
- физика фани ютукларини амалиётга татбик эта билиш;
- кимёвий моддалар тузилиши, таркиби ва микдорий физик-кимёвий усуллар билан аниклаш;
- эритмалар концентрациясини ифодалаш;
- оксидланиш-кайтарилиш реакциялари тенгламасига коэффициентлар танлаш;
- моддаларни тозалаш, сувни кайта хайдаш, кайта кристаллаш;
- кимёвий реакцияларнинг тезлигини хароратга ва реакцияга киришувчи моддалар концентрациясига богликлиги;
- эритма тайёрлаш, унинг зичлигини аниклаш, концентрациясини ифодалаш;
- эритмаларни индикаторлар ёрдамида аниклаш;
- тузларнинг кайтар ва кайтмас гидролизи;
- кимёвий реакция тартибини аниклаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.2.4. Илмий изланиш асослари фани бўйича:**

**Бакалавр:**

- Ўзбекистон Республикасида илмий изланиш ишларининг ташкиллаштириш умумий тузилмаси ва мажмуи;
- илмий билиш умумий тушунчаси;
- ахолига социал маданий хизмат кўрсатишни такомиллаштиришда илмий изланишнинг роли;
- илмий изланиш ишларининг турланиши ва тузилмаси;
- замонавий ахборот технологияларининг илмий изланишда кўлланилиши;
- интернет тармокларининг илмий изланишдаги ахамияти;



STANDARTLASHTIRISH, PAYLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI

– илмий ишлар натижаларини татбиқ қилиш давлат тизими ***ҳақида тассавурга эга бўлиши;***

– «Илмий изланиш асослари» фанининг мақсади, вазифаси ва предмети;

– Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида илмий изланиш ходимларини тайёрлаш тизимини;

– илмий билиш методологияси ва асосий методларини;

– илмий мавзулар долзарблигининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, уларни белгиловчи критерийларини;

– илмий изланиш йўналишини танлаш ва ишларнинг бажарилишини;

– изланиш методини танлаш, ишлаб чиқиш изланишини ўтказишни;

– изланиш натижалари манбаларини, ахборотларни изланиш тизимини;

– назарий ва амалий илмий изланиш вазифаси ва методларини;

– илмий ишлар натижасини расмийлаштириш асосий талабларини;

– хизматлар соҳасида ихтирочилик, рационализаторлик ишларини ташкиллаштиришни;

– илмий мавзудаги курс ишлари (лойиҳаси), битирув ишларининг бажарилишини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– илмий изланиш методларини сервис ва туризм соҳасида ўрганиш учун қўлланилиши;

– илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш ва кейинги изланишларни режалаштириш;

– библиографик маълумотлар, традицион ва электрон картотекаларни қўллаш;

– ахборотлар қайта ишловида аналитик таҳлил методини қўллаш;

– эксперимент-тажриба ўтказиш шарт-шароитини тайёрлаш ва ўтказиш;

– тажриба натижалари аниқлигини ва ишончлигини аниқлаш;

– илмий ишлар натижаларини тузиш, ахборотини бериш ва амалиётга татбиқ қилиш;

– ихтиро, рационализаторлик талабномаларини тузиш, бериш;

– илмий ишлар натижаларини ҳимоя қилиш ***кўникмаларга эга бўлиш керак.***

**6.2.2.5. Иқтисодий география ва экология фани бўйича**

**Бакалавр:**

– бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришнинг қонуниятлари, тамойиллари, шакллари ва омиллари ҳақида;

– ҳозирги замон дунё сиёсий харитасининг шаклланиш жараёнлари ҳақида;

– дунё аҳоли географияси ҳақида;

– жаҳон хўжалиги географияси тармоқлари ҳақида;

– табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида;

– табиат компонентларидан (ер, сув, минерал хом-ашё, биологик ресурслар, атмосфера ҳавоси ва х.к.) ҳақида ***тасаввурга эга бўлишлари керак;***

– «Иқтисодий география ва экология» фанининг предмети, объекти, тадқиқот услублари ва ўқитиш мақсади ва вазифаларини;

– дунё мамлакатларининг иқтисодий-географик тавсифи;

– Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий-географик ўрни, табиий ресурслар салоҳияти ва улардан оқилона фойдаланишни;

– Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва меҳнат ресурсларини;

– Ўзбекистон Республикасининг саноати ва қишлоқ хўжалик транспортлар тармоқларини;

– Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий районлар тавсифини;

– геоэкологик муаммолар ва уларнинг ечимини;

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, ... NAZORATINI ... AXBOROT TEXNIK ... JORIY ETISH ... BO'LIMI

– Ўзбекистонда таркиб топган экологик вазиятлар ва экологик хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– табиат, жамият, ишлаб чиқариш кучларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш;

– Ўзбекистон табиий, иқтисодий ва интеллектуал ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза этиш ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

**6.2.3. Умумкасбий фанлар бўйича талаблар**

**6.2.3.1. Овқатланиш корхоналарида санитария ва гигиена фани бўйича**

**Бакалавр:**

– овқатланиш корхоналарида кўрсатиладиган хизматларнинг истеъмолчи соғлиги ва хаёти учун безарарлигини таъминлашда санитария ва гигиенанинг роли;

– овқатланиш корхоналарида ўтказиладиган санитария назорати моҳияти;

– микроиклим шароитининг корхона маҳсулоти ва хизматлар кўрсатишига таъсири;

– овқатланиш корхоналарида санитария режими тушунчаси ва санитария куни;

– кимёвий ишлов бериш тушунчалари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***

– овқатланиш корхоналарида ўтказиладиган санитария назорат турлари, назорат органларини;

– овқатланиш корхоналари биноси, хоналар, ходимлар иш жойига қўйиладиган гигиеник талабларини;

– овқатланиш корхоналарини сув ва канализациясига қўйиладиган гигиеник талабларини;

– овқатланиш корхоналарида ёритишга ва иқлим шароитига қўйиладиган гигиеник талабларини;

– атмосфера ва корхона хоналарида ҳавонинг таркиби ва газ меъёрий миқдорларини;

– овқатланиш корхоналари худуди, уни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришнинг санитарик ва гигиеник аҳамияти;

– ҳаво таркибида ходимлар организми учун зарарли моддаларнинг максимал рухсат этилган меъёрларини;

– овқатланиш корхоналарида юқумли касалликларнинг олдини олиш бўйича ўтказиладиган тадбирларини;

– овқатланиш корхоналарини тозалигига қўйиладиган талаблар ва уларни тозалаш усулларини;

– хом ашё, тайёр маҳсулотларни ташиш ва реализация қилишга қўйилган гигиеник талабларини;

– овқатланиш корхоналаридаги жиҳоз ва идишларни ювишга қўйилган талабларини;

– истеъмолчиларга хизмат кўрсатишга қўйилган санитария ва гигиена талабларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– овқатланиш корхоналари ҳовлиси, хона ва цехларини тоза тутиш;

– овқатланиш корхоналарида кимёвий қайта ишлаш тадбирларини ўтказиш;

– ҳашорат ва кемирувчиларга мунтазам кураш олиб бориш;

– хом ашёларга ишлов беришда ва маҳсулотлар реализациясида гигиеник қоидаларга амал қилиш;

– овқатланиш корхоналари ҳовлисида ахлат идишини жойлаштириш;

– хона ва цехларнинг қуёш нури билан иккиламчи ёритилишини таъминлаш;

– цех ва хоналарни табиий ёритилиш коэффициентини аниқлаш;

– кундуз куни электр ёритгичлар билан ёритилиши керак бўлган хоналарни аниқлаш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATI VA ... AXBOROT ... JORIY ETISH ...

– маҳсулотларнинг гигиеник сифат кўрсаткичларини аниқлай, олиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.3.2. Касбий этика ва этикет фани бўйича**

**Бакалавр:**

– касбий бурч тушунчасининг тавсифи ва турлари;

– инсоний муносабатларда ишлатиладиган мулоқот воситалари;

– хизмат кўрсатиш корхоналарида сўзлашиш этикети;

– овқатланиш корхоналари истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш қоидалари;

– овқатланиш корхоналари персонали кийиниши этикети ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***

– Касбий этика ва этикет фанининг тушунчаси, предмети;

– касбий этикет турлари ва хоссалари;

– касбий этиканинг асосий категориялари;

– истеъмолчиларга хизмат қиладиган корхоналар ходимларининг этикет қоидаларни;

– касбий корхоналарда муносабат қоидаларини;

– муомала, хушмуомалалик, одоблилик, назокатлилик, сабр-тоқат, камтарликнинг хусусиятларини;

– ресторан ишида сўзлашишга қўйиладиган талабларни;

– хизмат истеъмолчилари муносабатида танишиш, суҳбатлашиш, баҳслашишдаги этикет қоидаларни;

– овқатланиш корхоналарида истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш этикет қоидаларини;

– меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатининг элементларини;

– хизматлар соҳаси корхона раҳбарларига қўйиладиган умумий талабларни;

– раҳбарларнинг ходимларни қабул қилиш ва улар билан мулоқот қилиш қоидаларни;

– хизматлар соҳаси корхоналар ходимларини касбий кийимларига қўйилган халқаро талабларини;

– халқаро этикетни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– инсоний муносабатлардаги сўзлашиш, унинг оҳанги ва суҳбатдошга қараб боқиши, имо-ишоралари;

– муомала қилишда меҳрибонлик, назокатлик, камтарлик ва сабр-тоқатлилик;

– сўзлашишда бетараф, адабий иборларни ишлатиш;

– сўзлашишда қўпол ва жаргон сўзларни тушунарли бўлмаган шевада гапирмаслик;

– танишиш, таклиф ва илтимос қилиш, маслаҳат ва буйруқ беришда, розилик ва норозилик билдиришда хизмат доирасида ишлатилиши керак бўлган ибораларни қўллаш;

– мақтов, маъқуллаш ва маъқулламасликда, таъна қилишда, табриклашда, тилаклар ва миннатдорчилик билдиришда, савол-жавоб қилишда, жойлашишда ишлатилиши керак бўлган ибораларни қўллаш;

– таом ва ичимликлар узатишдаги талабларни бажариш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.3.3. Сервис фаолияти асослари фани бўйича**

– замонавий сервис фаолияти хусусиятлари;

– сервис фаолияти таснифи ва асосий сервис хизматлари тавсифи;

– сервис фаолиятини адаптацион-динамик тавсифлари;

– хизматларни сифати, хавфсизлиги ва сервис соҳасидаги тадбиркорлик хусусиятлари;

– сервис соҳаси корхоналари бошқаруви;

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH... BAZAVIY NUSXA... AXBOROT...

– сервис фаолиятидаги информацион технологиялар ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***

– сервис фаолиятини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти ва ривожланиш тенденцияларини;

– сервис фаолиятини илмий таҳлилини;

– сервис фаолияти тарихий ривожланишини;

– сервис фаолияти постиндустриал жамият даврида шаклланиши хусусиятларини;

– сервис фаолиятини қарама-қаршиликларини тўғри таҳлил қилишни;

– сервис фаолияти ва хизматлар таснифини таҳлил қилишни;

– сервис фаолиятини хўжалик амалиётидаги ўрни;

– хизматлар соҳасига инновацияларни татбиқ қилишни;

– истеъмолчиларга сифатли ва хавфсиз хизмат кўрсатишни ташкил қилишни;

– сервис корхонаси бошқарув жараёнларини таҳлил қилишни ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– мижозларга хизмат кўрсатиш шакл ва турларини тўғри танлаш;

– хизмат истеъмолчилари билан мулоқот учун «контакт» зонасини ташкил этиш;

– иистеъмолчиларга «контакт» зонасида юқори даражада хизмат кўрсатиш;

– хизматлар сифати ва хавфсизлигини тўғри аниқлай олиш;

– сервис корхонасидаги ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш;

– истеъмолчиларга маданиятли хизмат кўрсатиш

– хизмат истеъмолчилари билан тўғри, ўзаро таъсир эта олиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.3.4. Хизмат кўрсатиш корхоналарининг электрон техникаси фани бўйича**

**Бакалавр:**

– Ўзбекистон хизматлар соҳаси корхоналарида ахборот-технология, информацион-коммуникацион электрон техниканинг кенг кўламда қўлланилиши;

– хизматлар соҳаси корхоналари электрон техникаси;

– хизматлар соҳаси корхоналари электрон офис ва оргтехникаси;

– хизматлар соҳаси корхоналари хавфсизлигини таъминлаш электрон комплекс тизимлари ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***

– хизмат кўрсатиш корхоналари электрон техникаси таснифи ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини;

– хизматлар соҳаси корхоналари хизматида электрон назорат-касса машиналари, тарозиларини;

– хизматлар соҳаси корхонасида POS – система ва терминалларни;

– хизматлар соҳаси корхоналаридаги информацион-коммуникацион тизимларни, локал тармоқларни;

– хизматлар соҳаси корхоналари электрон техникаси билан сервис хизмат кўрсатиш техника ва технологиясини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– хизматлар соҳаси корхоналари электрон техникаси базасини ташкил этиш;

– хизматлар соҳаси корхоналари электрон техникаси эксплуатацияси талаблари;

– корхоналар электрон техникасини сервис хизмат кўрсатишда қўллаш қоидалари;

– корхоналар электрон техникаси: назорат касса машиналари, касса POS терминали ва системаси таснифи ва ишлаш режими;

– меҳмонхона электрон техникаси: информацион-коммуникацион тизимлари, интеграллашган информацион тизими, кабел ва радиотелефон, АТС сервер тизими, ёнгин сигнализацияси АТС тизими таснифи ва ишлатилиши;

– корхоналар офис электрон техникаси ва хавфсизлигини таъминлаш: нусха кўчириш, кўпайтириш, замонавий алоқа, кузатиш, ёнгин ва радиацион хавфсизлигида

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH, ... DAVLAT NAZORATI ... AXBOROT TEXNO... ... MARKAZI

кўлланиладиган электрон техника таснифи ва ишлатилиши ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.3.5. Бухгалтерия хисоби ва аудит фани бўйича**

**Бакалавр:**

– бухгалтерия хисобини ташкил қилиш тамойиллари; туристик корхоналарда бухгалтерия хисобини юритиш тартиби;

– корхоналарда хўжалик жараёнлари ва уларни хужжатлаштириш;

– корхоналарнинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари хисоби ***ҳақида тасаввурга эга бўлиши;***

– "Бухгалтерия хисоби ва аудит" фанининг предмети, объекти ва вазифалари; корхоналарнинг хисоб сиёсатини;

– корхоналарда бухгалтерия хисобининг усулларини;

– корхоналарда активлари ва пассивлари хисобини;

– харажатлар таркиби ва махсулот таннархни;

– фойда ва зарарлар хисобини;

– бухгалтерия хисоби счётлар тизимини;

– молиявий натижаларнинг шаклланиш тартибини;

– молиявий хисоботларнинг турларини;

– ишлаб чиқаришни иктисодий самарадорлик кўрсаткичлари якунига бахо бериш ва аудиторлик текширувига тайёрлашни;

– корхоналар иқтисодий салохиятини бахолашни;

– электрон хисоблаш машиналари (компьютер воситалари)нинг таҳлил ва аудит жараёнида қўллаш хусусий капитал ва мажбуриятлар хисобини;

– бухгалтерия хисобининг миллий стандартларини;

– молиявий хисоботларни тузиш тамойилларини;

– турли мулкчилик шаклида туристик корхоналарини тўғри бошқаришда аудитнинг ролини;

– аудитнинг асосий тамойилларини;

– аудитнинг асосий вазифаларини;

– аудитнинг усулларини;

– аудитда фойдаланиладиган ахборот манбаларини;

– хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва аудит усулларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

– корхоналарда бухгалтерия хисобининг усулларидан фойдаланиш;

– корхоналарнинг маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари харакатини бухгалтерия хужжатларида акс эттириш;

– корхоналарнинг молиявий натижасини аниқлаш ва хисобини юритиш;

– корхоналарлар балансини тузиш;

– молиявий хисобот маълумотларига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;

– аудит жараёнида керак бўладиган манбалар хажмини аниклаш, тўплаш, уларни тўғрилигини текшириш, қайта ишлаш, таҳлил этиш ва аудитга мослаштириш;

– аудит натижаларини умумлаштириш ва расмийлаштириш;

– аудит натижасида хисобот ва хулоса тайёрлаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.3.6. Сервисда технологик жараёнлар фани бўйича**

**Бакалавр:**

– ишлаб чиқариш жараёнлари тушунчаси ва тузилмаси;

– ресторан ишидаги жараёнларнинг умумийлиги;

– овкатланиш корхоналари ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ва қурилмалари умумий тушунчалари;

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH ... EKSPERT NAZORATI ... AXBOROT ... ISHI ...

– овкатланиш корхоналари ишлаб чикариш технологик жараёнлар назарий асослари;

– махсулотларни истеъмол килиш жараёнларини ташкил килиш;

– хизматлар кўрсатиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш;

– меҳмонхона жараёнларини хизмат максади, техникавий-ташкилий хусусияти *ҳақида тасаввурга эга бўлиши;*

– «Сервисдаги технологик жараёнлар» фанининг максади, вазифаси ва предметини;

– ишлаб чикариш жараёнларининг турланишини;

– жараёнларни ташкил этиш асосий тамойиллари;

– хизматлар кўрсатиш жараёнлари тузилмасини;

– махсулотлар ишлаб чикариш ва уларни таъмирлаш, хизмат кўрсатиш жараёнларини;

– гидродинамик, гидромеханик, совитиш, салкинлаш, механик жараёнларни;

– махсулотни истеъмолчиларга етказиш учун савдо залларини тайёрлаш, столларни сервировка килиш, буюртма олиш, хизмат кўрсатиш, ҳисоблашни;

– овкатланишдаги хизмат кўрсатиш жараёнларини бажаришда моддий-техникавий воситаларга, жиҳозларга, инвентарларга бўлган талабларнинг меъёрий ҳисоби ва таъминланишини;

– овкатланиш корхоналари сервис хизмати жараёнлари ва курилмаларини;

– овкатланиш корхоналарида микроиклимни саклаш жараён ва курилмаларини;

– овкатланиш корхоналарида санитария-гигиеник ҳолатни саклаш жараёнлари ва курилмаларини *билиши ва улардан фойдалана олиши;*

– жараёнларнинг ташкил этиш асосий тамойилларининг бажарилиши;

– хизмат кўрсатиш жараёнлари: буюртма олиш, буюртма бериш, махсулотларни реализация килиш;

– тайёр маҳсулотларни сотиш, истеъмол килиш, саклаш жараёнларини бажариш;

– хизмат кўрсатиш ва ишлаб чикариш жараёнлари ва курилмаларини баҳоловчи асосий кўрсаткичлари;

– махсулотларни сотиш учун тайёрлаш ва унинг истеъмолчиларига кўрсатиладиган хизматларни ташкиллаштириш;

– сотишда технологик жиҳозлардан фойдаланиш *кўникмаларига эга бўлиши керак.*

**6.2.3.7. Таом ва хизматлар сифат кўраткичлари фани бўйича**

**Бакалавр:**

– замонавий тадкикот усулларининг таом ва маҳсулотлар сифатини бошкаришдаги аҳамияти;

– таом ва маҳсулотларни озикавий ва энергетик киймати;

таом ва махсулотларни сифатини баҳолаш услуб ва мезонлари;

– таом ва махсулотларни зарарсизлиги;

– хизматларни сифати ва хавфсизлиги *ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак;*

– таом ва маҳсулотларни асосий физикавий тадкикот усулларини;

– физик-кимёвий тадкикот усуллари турларини;

– ресторанда махсулотларнинг ҳом ашёлари ва уларнинг озикавий ва биологик таркибий кисми;

– ресторанда овкатланиш маҳсулотини тайёрлашда оксилларнинг, мураккаб углеводородларнинг, витаминларнинг ўзгаришини умумий тушунчаси;

– таом ва маҳсулотларни тадкикот этишнинг стандарт кимёвий усулларини;

– усуллар асосида бажариладиган жараён ва ҳодисалар моҳиятини;

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH DAVLAT NAZORATI ... ASSORTI ... NUSXASI

– тадқиқотлашда ишлатиладиган асбоблар тузилишини, уларни ишга тайёрлаш ва ишлатиш қоидаларини;
– таом ва маҳсулотларни тадқиқот этишнинг реологик усулларини;
– таом ва маҳсулотларни тадқиқот этишнинг хроматографик усулларини;
– таом ва маҳсулотларни тадқиқот этишнинг спектрал усулларини;
– таом ва маҳсулотларни тадқиқот этишнинг оптик усулларини;
– тадқиқот қилишда ишлатиладиган асосий кимёвий реактивларни;
– асосий физик-кимёвий таҳлилларни ўтказиш тартибини;
– хизматларни сифат кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш усулларини;
– мувозанатлаштирилган таомлар рационларини тузишни;
– таомлар озиқавий қийматини оптималлаштиришни;
таомлар таркибида организмга тушиши керак бўлган оксиллар, углеводлар, ёғлар, витаминлар, минерал элементларга қўйилган талабларни;
– ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***
– таом ва маҳсулотларни тадқиқот этишда физикавий-кимёвий тадқиқот услубларини танлаш;
– тадқиқотларни ташкил эта олиш;
– таом ва маҳсулотларни физикавий-кимёвий услублар ёрдамида тадқиқот қилиш;
– таҳлилхона ишини ташкил этиш;
– тадқиқотлашда қўлланиладиган асосий реактивларни тайёрлаш;
– тадқиқотлардан олинган натижаларга ишлов бериш;
– тадқиқотлар натижаларини изоҳлаш ва тушинтириш;
– хизматлар сифати ва хавфсизлигини тўғри аниқлай олиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

**6.2.3.8. Менежмент фани бўйича**

**Бакалавр:**

– менежментнинг назарий асослари;
– менежментнинг ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари;
Ишлаб чиқариш жараёнлари тушунчаси ва тузилмаси. Ишлаб чиқариш жараёнларининг турланиши: асосий ва ёрдамчи жараёнлар. Жараёнларни ташкил этиш асосий тамойиллари: параллеллиги, пропорционаллиги, узлуксизлиги, оқимлиги, ритмлиги, эгилувчанлиги.

Хизматлар кўрсатиш жараёнлари тузилмаси: хизматлар соҳаси ишлаб чиқариш ва мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнлари.

Янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни таъмирлаш жараёнлари. Хизмат кўрсатиш жараёнлари: буюртма олиш, буюртма бериш, маҳсулотларнинг реализацияси.

Ресторан ишидаги жараёнларнинг умумийлиги.

Овқатланиш корхоналари ишлаб чиқариш технологик жараёнлари ва қурилмалари умумий таснифи. Овқатланиш корхоналари ишлаб чиқариш технологик жараёнлар: иссиклик, масса, ҳаракат миқдори ўтказиш назарий асослари. Гидродинамик, гидромеханик, совитиш, салкинлаш, механик жараёнлар назарий асослари. Техник-технологик жараёнларда иссиклик бериш ва олиш усуллари.

Маҳсулотларни сотиш учун тайёрлаш ва уларнинг истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматларни ташкиллаштириш.

Тайёр маҳсулотни сотишга тайёрлаш жараёни, маҳсулотни тарқатиш ва корхонада савдо – технологик ва совитиш жиҳозларидан фойдаланиш.

Маҳсулотни истеъмол қилиш жараёнини ташкил қилиш: савдо залларини тайёрлаш, столларни сервировка қилиш, буюртма қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва ҳисоблаш. Савдо фаолияти олиб бориладиган буфет ва дўконларда маҳсулотларнинг сақланиши, уларни сотувга тайёрлаш ва сотилишини ташкил этиш. Савдо залларини овқатлангандан кейин тозалашни ташкил этиш.

Овқатланиш корхоналарининг моддий-техникавий воситаларга, жиҳозларга, инвентарга ва бошқаларга бўлган талабларини меъёрий ҳисоби ва таъминланиши.

Хизмат бўлимларининг талаб даражасида хом ашё, материаллар, жиҳозлар билан таъминланган ҳолда, ишлаб чиқариш ва сервис хизмат жараёнини узлуксизлигини таъминлаш, хизматнинг барча жараёнларида замонавий транспорт воситаларини қўлланилиши, санитар-техникавий ва санитария-гигиена хизматларини ташкиллаштириш.

Овқатланиш корхоналари сервис хизмати жараёнлари ва қурилмалари: маҳсулотларни тозалаш, ювиш, кесиш, қиймалаш, юмшатиш, элаш, кориш, ёйиш, бўлаш, кўпиртириш ва бошқа жараёнлари; овқат тайёрлаш: қайнатиш, қайнатиб пишириш, қовуриш, ёниш ва бошқалар; сервис тарқатиш: сақлаш, иситиш, совитиш, электро-физикавий жараёнлар, нон кесиш, ёғ бўлаш, тарқатиш; сервис овқатланиш; актив ва пассив системали касса қурилмаси, қуйиш, кофе тайёрлаш, сатурация ва бошқа жараёнлар ва қурилмалар.

Овқатланиш ва савдо жойларидаги микроиклимни сақлашдаги; салкинлаш, шамоллатиш, иситиш, ҳавони тозалаш, намлаш, тозаликни сақлашдаги жараён ва қурилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларга қўйилган талаблар.

Овқатланиш корхоналарида санитария-гигиеник ҳолатни сақлаш жараёнлари.

**7.5.3.7. Таом ва хизматлар сифат кўрсаткичлари:**

Хизматларни сифати, унинг фойдали хусусиятлари йиғиндиси сифатида. Хизматларни хусусиятлари. Хизматлар сифатини бошқариш ва назорат қилиш. Хизматларни сифат кўрсаткичи ва уни мўлжалланиши. Хизматларни мўлжалланиш, ишончилик, персонални касбий даражаси кўрсаткичлари. Хизматларни хавфсизлиги турлари ва хавф-хатар манбалари. Фуқароларни ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, атроф муҳит учун хавфсизлик кўрсаткичлари. Мол-мулкни ва информацияни саклаш хавфсизлиги.

... AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH ... DAVLAT
NAZORATI ...
AXBOROT ...
JORIY ...

Озик-овкат маҳсулотлари ва таомларнинг таркибий қисмлари. Таом хазм қилиш органлари системаси. Хом маҳсулотларни истеъмол қилиш ва мувозанатлаштирилган овкатланиш концепцияси.

Таом ва махсулотларни тадкикот этишнинг асосий усуллари: органолептик, бактериологик ва физик-кимёвий. Таом ва махсулотларни озикавий ва энергетик қиймати, уларни хисоблаш услуби. Таом ва маҳсулотларни хавфсизлиги. Таом ва маҳсулотларни хавфсизлик меъёрлари. Нисбий зичликни аниклаш. Нисбий зичликни аниклашнинг пикнометрик усули. Суюк маҳсулотлар зичлигини ареометрик усулда аниклаш. Физикавий-механикавий хусусиятларини аниклаш. Поляриметрик тадкикот усулини моҳияти. Моддаларни оптик фаоллиги. Солиштирма буриш бурчаги. Поляриметрни схемаси. Ярим коронгулаштирилган поляриметрлар. Сахариметрлар. Поляриметрларда ишни бажариш тартиби. Синдириш кўрсаткичи. Синдириш кўрсаткичини чегаравий бурчак усулида аниклаш. Рефрактометрлар турлари, тузилиши ва уларда таҳлил ўтказиш тартиби. Бўялган бирикмалар эритмаларини асосий оптик хусусиятлари. Колориметрияни асосий конуни. Бир нурли ва икки нурли фотоэлектроколориметрларни оптик схемаси ва уларда таҳлил ўтказиш тартиби.

Газли хроматография моҳияти. Хроматограммаларни идентификация қилиш усуллари. Суюкликли хроматография. Қоғоздаги таксимловчи хроматографияни моҳияти. Бир ўлчовли, икки ўлчовли ва айланма хроматография. Қоғоздаги хроматографик таҳлилни микдорий усуллари. Юпка катламли ва колонкали хроматография моҳияти, уларни қўлланилиш соҳалари. Намликни аниклашнинг бевосита усули. Намликни ўзгармас массагача куритиш йўли билан аниклаш услуби. Намликни бир маротаба куритиш йўли билан аниклаш. Умумий кул моддаси микдорини аниклаш. Кул моддасини тезлаштирувчисиз аниклаш. Кул моддасини тезлаштирувчи иштирокида аниклаш услуби моҳияти. Хлорид кислотада эримайдиган кул моддасини аниклаш.

Ош тузини азотли кумуш билан титрлаш йўли билан аниклаш. Титрланадиган кислоталикни индикатор иштирокида аниклаш. Актив кислоталикни аниклашни потенциометрик усули. Кислоталикни электрометрик титрлаш усули билан аниклаш. Қандларни аниклаш усулларини таснифи. Редуцияланадиган ва умумий шакарни аниклаш. Глюкозани фруктоза ва шакар иштирокида йодометрик аниклаш усули моҳияти ва таҳлилни ўтказиш тартиби. "Нам" клетчаткани аниклаш усули. Умумий азотни Къелдал бўйича аниклаш усули. Оксил микдорини колориметрик усулда аниклаш.

Ёғ микдорини экстракцион ва кислотали усул билан аниклаш. С витаминини (аскорбат кислотаси) титрлаш йўли билан микдорий аниклаш ва қайтарилган шаклини аниклаш.

**7.5.3.8. Менежмент:**

Менежментнинг ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари. Менежментнинг фан сифатида шаклланиш шарт-шароитлари. Менежментнинг илмий мактаблари. Ўзбекистонда бошкарувнинг ривожланиши. Менежментнинг хорижий моделлари. Менежментнинг назарий асослари. Бошкарув ва менежмент. Бошкарувнинг моҳияти ва тизими. Менежментнинг илмий ёндашувлари ва тамойиллари. Бошкарув усуллари. Меҳнатни бошкариш характери. Меҳнатни бошкариш турлари. Ф. Тейлорнинг меҳнатни бошкариш усуллари. Меҳнатни технократик бошкариш. Менежмент технологияси. Бошкарув жараёни ва вазифалари. Режалаштириш. Ташкил этиш. Мотивация. Мувофиклаштириш. Бошкарувда ахборотлар ва коммуникациялар. Бошкарув карорлари. Ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг таснифи. Ташкилотлар ва уларни бошкариш. Ташкилотларнинг ички ва ташки муҳити. Ташкилотлар фаолиятини туркумлаштириш. Ташкилий тузилмаларнинг турлари. Асосий ташкилий-хукукий шакллари. Ташкилотлар ривожланишидаги замонавий тенденциялар. Ташкилотларнинг янги турлари. Ташкилотларни стратегик бошкариш. Ташкилий ўзгаришларни бошкариш. Бошкарув самарадорлиги. Замонавий менежер сифатлари. Менежер тушунчаси, шахсий ва ишга доир сифатлари, вазифалари. Менежер ва етакчи. Менежернинг услуби ва имиджи.



O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH ... NAZORATI ... AXBOROT ...

Ишга доир этика ва этикет. Бошкарув мехнатини ташкил этиш. Бошкарув мехнати: таърифи, хусусиятлари, турлари. Бошкарув мехнатини илмий ташкил этиш. Рахбарни ўзини ўзи бошкариши. Менежер фаолиятини режалаштириш ва ташкил килиш. Мехнат жамоаларида ходимларни бошкариш. Жамоа тушунчаси, турлари, шаклланиш боскичлари. Таъсир ўтказиш ва хукмронлик. Низоларни бошкариш. Ходимларни бошкариш. Корхона салохиятини бошкариш. Корхона салохиятини бошкариш технологияси. Корхона салохиятининг ракобатбардошлигини бахолаш усуллари.

**7.5.3.9. Маркетинг:**

Маркетинг тушунчаси ва унинг мохияти. Маркетингни вужудга келиши ва ривожланиш боскичлари. Маркетинг назарияси концепцияси ва унинг эволюцияси. Замонавий маркетинг тушунчаси. Маркетинг тамойиллари, вазифалари ва функциялари. Маркетинг фаолиятини ахборот билан таъминлаш. Ахборот турлари ва уларни туркумлаш. Ички ва ташки ахборот. Бирламчи ва иккиламчи ахборот. Ахборот тўплаш услублари. Маркетингнинг таркибий тузилиши. Тармок маркетинги. Товар ва хизматлар маркетинги. Ишлаб чикариш воситалари маркетинги. Микромаркетинг ва макромаркетинг. Халкаро маркетинг. Маркетинг дастури ва унинг асосий бўлимлари. Маркетингда стратегик ва тактик режалаштириш, унинг максади ва вазифалари. Маркетинг назорати турлари. Бозор конъюнктурасини тадкик этиш ва башорат килиш. Бозор сегментацияси ва унинг турлари. Бозорни сегментлашнинг асосий тамойиллари. Максадли сегментни танлаш. Маркетингда товар ва товар сиёсати. Товарлар ракобатбардошлигини бахолаш услублари. Товарларнинг хаётийлик даври ва уларнинг асосий бўгинлари. Товарнинг ракобатбардошлигини ошириш йўллари. Маркетингда нарх ва нарх сиёсати. Нархни тахлил этиш ва башорат килиш услублари. Нарх даражасини хисоблаш услублари. Товарларнинг "хаётийлик даври" мобайнида нархларнинг ўзгариши. Янги товарларга нарх ўрнатиш. Маркетингда сотиш сиёсати. Чакана савдо, улгуржи савдо. Воситачини танлаш. Таксимот каналлари. Сотишнинг янги турлари ва шакллари. Сотиш харажатлари тахлили. Маркетингда коммуникация сиёсати, унинг мохияти, мазмуни ва максади. Талабни шакллантириш ва сотишни рагбатлантириш. Маркетинг коммуникация мажмуаси. Маркетинг коммуникацияси воситаларидан самарали фойдаланиш.

**7.5.3.10. Дизайн ва реклама:**

Ўзбекистонда сервис хизматларининг холати ва сервис сохаларининг ривожланиш истикболи. Дизайн объектлари, максади, вазифаси ва ижтимойи мохияти. Дизайн объектларига кўйиладиган талаблар. Туристларни жойлаштириш воситалари, овкатлантириш, туристик фирмалар ва сервис сохаси корхоналарининг дизайн объекти сифатида категория ва турларга бўлиниши. Дизайн ва унинг асосий тушунчалари. Дизайн тарихи. Меъморчилик стиллари ва замонавий дизайн. Сервис сохаси корхоналарининг интерьери. Реклама ва реклама фаолиятининг мохияти, ахамияти ва иктисодий самарадорлиги. Рекламага кўйиладиган талаблар ва реклама агентлиги. Реклама воситалари ва улардан фойдаланишини режалаштириш. Сервисда дизайн объектлари. Корхона турлари, категориялари ва биноларининг интерьерлари. Сервис сохаси дизайни объектлари учун пропорция, симметрия, асимметрия, ритм, композиция, шакл каби тушунчаларнинг ахамияти. Миллий дизайн ва улардан сервис корхоналарининг интерьерини шакллантиришда фойдаланиш. Сервис сохаси корхоналари фойеларининг интерьерларини шакллантириш. Овкатланиш залларининг интерьерларини шакллантириш. Овкатланиш столларини дизайн талабларига кўра безаш. Хизмат кўрсатиш хоналарининг интерьерларини шакллантириш. Савдо корхоналари сотиш залларининг интерьерларини шакллантириш. Мехмонхоналар номерлари интерьерларини шакллантириш. Ишлаб чикариш корхоналари цех ва хоналарининг интерьерларини шакллантириш. Реклама махсулотларини ишлаб чикиш. Рекламани реклама воситаларида жойлаштириш.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, SAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BO'LIMI

**7.5.3.11. Меҳмондорчилик индустрияси:**

Ўзбекистонда меҳмондорчилик индустриясининг ривожланиши, "Меҳмондорчилик индустрияси" фанининг мақсади, вазифаси ва предмети. Меҳмонхона индустрияси тузилмаси. Сайёҳлик – замонавий оламнинг кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ҳодисаси ва унинг меҳмондорчилик индустриясига таъсири. Жаҳон сайёҳлик саноатининг иқтисодий кўрсаткичлари. Сайёҳликнинг миллий иқтисодиётдаги ўрни. Халқаро сайёҳлик ривожланишининг иқтисодий асослари. Халқаро сайёҳлик бозори сегменти.

Меҳмондорчилик индустриясининг тараққиёт истиқболлари ва йўналишлари. Хизматлар соҳасида меҳмондорчиликнинг аҳамияти ва ўрни. Меҳмондорчилик индустриясининг ҳолати ва унинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар. Жаҳон индустриясида меҳмонхона индустриясининг ўрни. Жаҳон меҳмондорчилик индустриясининг замонавий йўналишдаги ривожланиши. Меҳмонхоналар хизматининг бозори ва унинг компонентлари. Меҳмондорчилик индустрияси ва меҳмонхона сервиси. Меҳмондорчилик индустрияси таркибий элементлари. Жойлаштириш сектори. Овқат ва ичимлик сектори. Савдо хизмати сектори. Транспорт сектори. Сайр-томоша ва спорт сектори.

Меҳмонхона хизмати, унинг таснифи ва таркибий элементлари. Меҳмондорчилик индустриясида хизмат сифатини бошқариш. Маҳсулот бозори стратегиясининг шаклланиши. Меҳмонхона саноатида маҳсулот ассортименти сиёсатининг шаклланиши. Меҳмонхона маҳсулоти ва хизматини янги тури, уларнинг бозорда татбиқ этилишининг хусусиятлари. Меҳмонхона саноатида маркетингни баҳолаш комплекси. Мақсадни кўзлаш ва баҳолаш услубини танлаш. Меҳмондорчилик саноатида маҳсулот сотиш стратегияси.

Меҳмонхона хизматини ошириш каналлари. Меҳмонхона хизматини тақсимлаш. Сотиш техника базаси. Сотиш миссиялари. Муваффақиятли сотиш омиллари. Меҳмонхоналарда сотиш технологияси. Тўғридан-тўғри сотиш. Сотиш агентлари. Корпоратив сотиш. Меҳмонхона бизнесида франчайзинг тизими. Меҳмондорчилик индустриясида реклама ва ташвиқот. Жаҳон сайёҳлик индустриясида маркетинг ва менежмент масалалари. Халқаро меҳмонхоналар концепциясининг ишлаб чиқилиши. Мижозларга хизмат кўрсатишнинг халқаро стандартлари. Мижозларга хизмат кўрсатиш. Ташриф буюрганлар билан профессионал муомала кўникмаси. Мижознинг хоҳиш – талабларини бажариш ва хизмат кўрсатиш сифати стандартлари. Мижозлар талабларига жавоб бериш. Мижозлар билан пайдо бўладиган келишмовчиликларни бартараф этиш ва олдини олиш.

**7.5.3.12. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти:**

Хизматлар соҳаси бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни. Соҳанинг кескин суръатлар билан ривожланиш сабаблари. Сервис фаолиятининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятлари. Сервис иқтисодиёти, хизматлари индустрияси тушунчалари. Мулкчиликнинг турли шаклларида сервис соҳаси корхона ва ташкилотларининг ташкилий иқтисодий тавсифи. Сервис фаолиятининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги. Самарадорликнинг мезон ва кўрсаткичлари. Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. Хизматлар соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ва афзалликлари. Соҳадаги кичик бизнес субъектлари. Хизматлар соҳаси корхона ва ташкилотларидаги асосий воситалар турлари, таснифи ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Хизматлар соҳаси корхоналарида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими ва амалиёти. Хизматлар соҳасида инвестиция жараёнларини амалга оширилиши. Хизматлар соҳаси субъектлари ва ундаги меҳнатнинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳамда имкониятлари. Ички ва ташқи омилларнинг хизматлар бозори даражаси ва ҳажмига таъсири. Соҳада ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш шакллари ва истеъмолчилар билан шартномалар тузиш хусусиятлари. Хизматлар соҳаси фаолиятининг умумий ва қиёсий иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари. Самарадорликка таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар. Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари. Хизматлар



STANDARTLASHTIRISH … AXBOROT …

соҳасида тадбиркорлик ва кичик бизнес. Соҳа корхона ва ташкилотларидаги асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватлари. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва маблағлари. Уларнинг хўжалик фаолиятини амалга оширишдаги аҳамияти. Хизматлар корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш дастурини режалаштириш схемаси. Соҳа корхона ва ташкилотларида тузиладиган бизнес режа турлари ва уларнинг бўлимлари. Бизнес режанинг фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти, унинг тузилиш тартиби. Хизматлар соҳаси корхона ва ташкилотларидаги иш ҳақи турлари ва шакллари. Моддий рағбатлантириш тизими ва тартиби. Соҳа корхона ва ташкилотларидаги инвестицион тадбиркорлик лойиҳалари. Ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари. Уларнинг моддалари ва калькуляцион элементлари. Корхона ва ташкилотларнинг даромадлари ва рентабеллиги даражасининг аниқланиши. Иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ҳисоблаш усуллари. Хўжалик фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш. Тадбиркорлик қарорлари ва битимларини тузиш амалиёти. Соҳа корхона ва ташкилотларида асосий фондлар амортизациясини ҳисоблаш тартиби. Асосий фондлар ҳаракатини баҳолаш усуллари. Соҳа корхона ва ташкилотларида ишлаб чиқариш қувватларини аниқлаш методикаси. Айланма маблағларни баҳолаш тартиби. Соҳа корхона ва ташкилотларида бизнес режанинг тузилиш тартиби. Соҳа корхоналарида ходимлар иш ҳақи кўрсаткичларининг таҳлил қилиниши ва прогнозлаштирилиши. Хизматлар таннархига қўйиладиган харажатлар калькуляцияси, сметаси ва уларнинг моддалари. Балансли, ялпи, соф фойда каби молиявий кўрсаткичларни режалаштирилиши. Корхона даромадлари кўрсаткичлари. Хизмат соҳаси корхоналарининг молияси.

**7.5.3.13. Хизматларни сертификатлаштириш ва сифатини бошқариш:**

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хизматлар сифатининг аҳамияти. Маҳсулот сифатини таъминлашда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифатни бошқаришнинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзстандарт» агентлигининг ташкилий тузилмаси. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида» ва «Метрология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида» ва «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари. Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Стандартлаштиришнинг асосий мақсади, вазифалари ва тамойиллари. Стандартлаштириш миллий органлари идораларининг асосий вазифалари. Стандартлаштириш хизматлари. Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар тоифаси, уларнинг шартли белгилари ва даражалари. Стандартлаш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг турлари. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятлари ва стандартлаштиришда уларни ҳисобга олиш. Маҳсулотга ишлаб чиқилган техникавий шартларнинг ва технологик йўриқномаларнинг тузилиши ва мазмуни. Сифатни таъминлаш тизимларини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепцияси.

Метрологиянинг асосий вазифалари. Физикавий катталиклар. Физикавий катталиклар қийматлари ва бирликлари. Халқаро бирликлар тизими. Ўлчаш турлари ва ўлчаш воситаларининг ишлаш қоидалари. Ўлчаш натижаларини баҳолаш усуллари.

Ўзбекистон сертификатлаштириш миллий тизими. Сертификатлаштиришнинг мақсади, вазифалари, асосий атамалари ва уларнинг таърифлари, идоралари. Маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби. Ўзбекистон миллий сертификатлаштириш тизимида корхоналарда ишлаб чиқилган ва импорт қилинадиган маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиби. Сертификатлаштириш схемалари ва уларнинг қўлланилиши. Маҳсулотга мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш бўйича бажариладиган ишлар. Сертификатлаштирилган маҳсулот устидан назорат. Сертификатлаштиришни ривожлантириш йўналишлари.

Сифатни таъминлаш ва бошқариш. Сифатни бошқариш тизимлари. Миллий сифат тизимлари. Сифатни бошқаришнинг халқаро тизимлари ва уларнинг асосий тамойиллари. Халқаро стандарт талаблари асосида корхона сифат тизимларини ишлаб чиқиш.

O'ZSTANDART AGENTLIGI STANDARTLASHTIRISH ... NAZORAT ... ASBOBOT ... JORIY ...

Халкаро стандарт ИСО 9000 оиласига кирадиган ва сифат тизимларига талаблар белгилайдиган стандартлар ва уларнинг ракобатбардош махсулот ва хизматлар ишлаб чикаришдаги аҳамияти. ИСО халкаро стандартлар талаблари асосида сифат менежменти тизимларини ишлаб чикиш ва жорий этиш тартиби. Маҳсулот ва хизматлар сифатини таъминлашда товарларни ва маҳсулотларни маркалаш ва штрихли кодлаш.

**7.5.3.14. Танлов фанлари:**

*Танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмуни таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**7.5.4. Ихтисослик фанлари блокининг зарурий мазмуни ва компонентлари**

**7.5.4.1. Ресторанларда ишлаб чиқариш технологияси:**

Ресторанда ишлаб чикариш технологияси: фанининг максади, вазифалари ва предмети.

Ресторанда махсулотларни тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашё турлари ва уларнинг биологик озикавий моддалари. Ресторанда овкатларни тайёрлашда оксилларнинг гурухланиши.

Ресторанда маҳсулотларнинг хом ашёлари ва уларнинг озикавий ва биологик таркибий кисми. Ресторанда овкатланиш махсулотини тайёрлашда оксилларнинг, мураккаб углеводородларнинг, витаминларнинг ўзгаришини умумий тушунчаси. Ресторанда таомларга иссиклик таъсирида ўзига хос таъм ва хид берувчи табиий ва сунъий моддалардан фойдаланиш.

Ресторанда совук таом ва газаклар турлари ва тайёрлаш, суюк таомлар турлари, шўрвалар, ёрмали, хамирли, софлантирилган, аталасимон, хушхўрлантирилган суюк таомлар, сабзавотли, ёрмали, хамирли, гўштли, парранда гўшти ва баликлардан тайёрланган иккинчи таомлар турлари, ширин таомлар турлари ва техногияси ҳақида маълумотлар. Алкоголсиз совук ва иссиқ ичимликлиьлар турлари, тайёрлаш технологияси ва тайёр таомлар сифатига бўлган талаблар.

**7.5.4.2. Дунё халклари овкатланишининг хусусиятлари:**

Марказий Осиё республикалари халкларининг таомлари ва овкатланишига хос умумийликлар. Шаркий славян халкларининг овкатланиши. Кавказ республикалари маҳаллий халкларининг овкатланиши. Молдавия ва Болтикбўйи давлатлари халкларининг овкатланиши. Скандинавия мамлакатлари халкларининг овкатланиши. Жанубий ва Шаркий Осиё мамлакатлари халклари овкатланиши. Европа мамлакатлари халклари овкатланиши. Америка халклари овкатланиши. Якин Шарқ ва араб мамлакатлари халкларининг овкатланиши. Туркманлар, киргизлар ва козоклар овкатланиши хусусиятлари. Ўзбек ва тожик халкларининг миллий таомлари ва хусусиятлари. Славянлар пазандалигининг умумий хусусиятлари. Рус, украин ва белоруслар овкатланиши хусусиятлари. Грузин, арманлар ва озарбайжон халкларининг севимли таомлари ва овкатланиш хусусиятлари. Шведлар, данияликлар, финлар ва норвег халкларининг миллий таомларини тайёрлаш технологияси хусусиятлари. Япон, хитой, корейс халкларининг севимли таомлари ва хусусиятлари. Немислар, австрияликлар, французларни севимли таомлари ва хусусиятлари. Америка халклари миллий таомлари ва хусусиятлари. Миср, Зоир, Ирок, Туркия, Ливан, Сурия, Иордания халкларининг овкатланиши. Марказий Осиё давлатларидан келадиган мехмонларга тавсия этиладиган таомлар ва уларни тайёрлаш технологияси. Шаркий славян халкларининг севимли таомлари ва тайёрлаш технологияси хусусиятлари. Кавказорти халкларининг севимли таомлари ва тайёрлаш технологияси хусусиятлари. Молдавия ва Болтикбўйи давлатларидан келадиган мехмонларга тавсия этиладиган таомлари. Скандинавия мамлакатлари халкларининг миллий таомларини тайёрлаш технологияси хусусияти. Жанубий-Шаркий Осиё мамлакатлари халклари ёктирган миллий таомларини тайёрлаш ва таклиф этиш. Европа мамлакатлари халклари севимли таомлари ва уларни тайёрлаш технологияси хусусиятлари. Америкалик

мехмонларга тавсия этиладиган таомлари. Якин Шарк ва араб мамлакатлар халкларининг севимли таомлари ва уларни тайёрлаш технологияси хусусияти.

**7.5.4.3. Овкатланиш корхоналари жихозлари эксплуатацияси:**

Овкатланиш корхоналари жихозлари хакида умумий маълумотлар ва уларга қўйилган талаблар. Ишлаб чиқариш жихозлари. Тайёр махсулот (овкат) тайёрлаш жихозлари. Хом-ашё, ярим тайёр ва тайёр махсулотлар саклаш жихозлари. Ишлаб чиқариш ёрдамчи операцияларни бажариш жихозлари. Сервис таркатиш жихозлари. Сервис овкатланишини ташкил этиш жихозлари. Овкатланиш корхоналари жихозларининг классификацияси. Жихозларга қўйилган умумий талаблар. Ишлаб чиқаришга хом-ашёни тайёрлаш жихозлари эксплуатацияси. Сабзавотларни қайта ишловчи жихозлар эксплуатацияси. Тайёр махсулот тайёрлаш жихозлари хакида умумий маълумотлар. Қайнатиб пишириш жихозлари ва уларнинг эксплуатацияси. Сабзавотларни сортловчи машиналар ва уларнинг эксплуатацияси. Овкатларни иссиқ холатда саклаш, иситиш аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси. Ҳажмий иссиклик аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси. Назорат-касса аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси. Овкатланиш савдоси жихозлари. Жихозлар ишининг асосий эксплуатацион кўрсаткичлари. Овкатланиш корхоналари жихозларининг умумий эксплуатация коидалари. Сабзавотларни ювиш, тозалаш, кесиш ва махсулотларни қайта ишловчи машиналар ва уларнинг эксплуатацияси. Хамирли пазандалик ва кондитер махсулотларга компонентлар тайёрлаш жихозлари ва уларнинг эксплуатацияси. Қовуриш, ёпиш, иситиш жихозлари ва уларнинг эксплуатацияси. Совутиб саклаш хакида умумий маълумотлар. Совитиш машиналари эксплуатацияси. Юк ортиш ва тушириш, транспортёр жихозлари уларнинг эксплуатацияси. Идиш ювиш жихозлари ва тарозилар эксплуатацияси. Овкатларни сервис таркатиш линиялари. Ичимликлар тайёрлаш, қуйиш аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси. Овкатланишда савдо атоматлари ва уларнинг эксплуатацияси. Овкатланиш хоналарини салкинловчи ва тозалаш аппаратлари ва уларнинг эксплуатацияси.

**7.5.4.4. Ресторан ишини ташкил этиш:**

Хизматлар кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш ва бошкариш мохияти. Хизматлар сохаси корхоналари фаолиятини ташкил этиш асослари. Сервис сохаси корхоналари турлари. Сервис сохаси корхоналарида асосий ишлаб чиқаришни, истеъмолчиларга сервис хизматини ташкил этиш. Овкатланиш корхоналарида хизмат кўрсатишни ташкиллаштирилишининг ўзига хос хусусиятлари. Овкатланишнинг ижтимоий-иктисодий мохияти ва ташкиллаштириш асослари. Овкатланиш корхоналарининг турлари ва синфланиши. Ахоли ва туристларнинг овкатланиш хизматини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Туристик хизматда туристлар овкатланиш хизматининг тутган ўрни. Овкатланишни ташкиллаштириш функционал тамойиллари. Овкатланиш корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш умумий тамойиллари. Овкатланиш корхоналарида истеъмолчиларга сервис хизматини ташкиллаштириш фаолиятининг вазифалари. Овкатланишда таомнома ва прейскурантларнинг мохияти ва расмийлаштириш ахамияти. Овкатланиш корхоналари махсулотини таркатиш таксимоти, ассортименти, хизмат кўрсатиш шакли ва савдо ишлаб чиқариш фаолияти бўйича турланиши. Ошхона инвентарлари, жихозлари, асбоблари ва ошхона сочиқ-дастурхонлари, мебеллари, ходимлар кийими. Овкатланишдаги асосий ва замонавий хизмат шакллари. Овкатланиш хизматини транспортда, анжуманларда, конкурс ва спорт анжуманларида ташкил этиш. Чет эл туристларини ресторан, кафе ва ошхоналарда кабул килиш ва хизмат кўрсатиш коидалари. истеъмолчилар сервис хизматини ташкиллаштириш вазифалари. Овкатланиш хизмати кўрсатиладиган хоналарга қўйиладиган талаблар. Овкатланиш таомнома ва прейскурантини тузиш, расмийлаштириш. Турли хилдаги маросимларда овкатланиш хизмат кўрсатишни ташкил этиш. Талаба, ўкувчилар овкатланишини ташкил этиш. Овкатланиш жойларида истеъмолчиларни кутиб олиш, буюртма кабул килиш ва ишлаб чиқаришга бериш. Овкатланиш учун столларни сервировка килиш, официантлар тайёргарлиги, овкат ва

махсулотларни бериш умумий коидаси ва усуллари, истеъмолчилар билан хисоб-китоб килиш ва уларни кузатиш.

Сервис корхоналарининг ривожланишида механизациялаштириш, автоматлаштириш ва ахборот компьютер технологияларини кўллаш. Овкатланиш корхоналарини ташкиллаштириш шакллари ва уларни такомиллаштириш йўллари. Овкатланиш корхоналари ривожланиш меъёрлари ва уларнинг рационал жойлаштириш тамойиллари. Овкатланиш хизмат кўрсатишда метрдотел ва официантлар мажбуриятлари. Овкатланишни ташкиллаштиришда карталар, схемалар, окимли операцион жадваллар тузиш. Турли хилдаги овкатланиш корхоналарининг овкатланиш хоналарига кўйилган талаблари. Истеъмолчилар талабларини ўрганиб бориш методлари ва овкатланиш хоналарини тайёрлаш. Овкатланиш таомнома ва прейскурантларини тузиш ва расмийлаштириш. Корхона идиш-товоклари, асбоблари, сочик дастурхонларига бўлган талаблар. Овкатланиш учун тўлов хисоб-китобларини бажариш. Корхоналарга келтирилган махсулотларнинг сифат назоратини ўтказиш, олиб келиш режасини тузиш, махсулотларни келтириш ва саклашни мувофиклаштириш. Корхона моддий техникавий талабларни меъёрий хисоби ва уни таъминлаш. Корхоналар санитария-гигиеник хизматларини ташкиллаштириш тадбирлари. Овкатланиш корхонаси ходимлари мехнат муносабатлари, мехнат ва техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги талабларини бажариш.

***7.5.5. Танлов фанлари***

*Танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмуни таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**7.5.6. Малака амалиёти**

***Ишлаб чикариш амалиётида:***

– корхона юридик шахслар – овкатланиш субъектлари билан танишиш ва унга тавсиф бериш;

– корхонанинг хўжалик фаолияти билан боглик айрим атама ва тушунчаларни ўзлаштириш;

– корхонадаги маъмурий ходимлар ва ишчилар сони, таркиби, малакаси ва корхона бошкаруви схемаси билан танишиш;

– овкатланиш корхонасида махсулотларга бирламчи ишлов бериш усуллари ва турларини, тайёр махсулот ишлаб чикариш технологияси билан танишиш;

– корхонада махсулотларни саклаш, таркатиш, сотиш жараёнлари билан танишиш;

– овкатланиш хизмати сервисида мехмонларга хизмат кўрсатиш шакллари ва коидалари билан танишиш;

– ресторанда кўлланиладиган техника ва улардан фойдаланиш хавфсизлик техник коидалари билан танишиш,

– корхоналарнинг фаолиятига алокадор бўлган ташки мухит омилларини тахлил этиш;

– овкатланиш корхоналари сервис хизматида кўлланиладиган жихозлари технологик иш жараёнларида ўрганиш, ишлатиш, улардан фойдаланишни ўрганиш;

– сервис хизмат кўрсатиш жараёнларини жихозлар билан таъминланганлигини, махсулотлар ассортиментини, технологик жараёнлар боскичларини, хизмат кўрсатиш шакллари ва коидаларини ўрганиш;

– амалиёт технологик жараёнлардаги камчиликларни аниклаш, жойларда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чикиш;

– корхона (ташкилот)ларнинг хўжалик фаолияти кўрсаткичларини тахлил килиш, режалаштириш ва кўникма хосил килишга мўлжалланган.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талаба контингент хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши керак.

**8.1.4.** Талабалар ўқув юкламасининг максимал ҳажми таълим дастурига ОТМ томонидан қўшимча белгиланадиган факультатив фанларни ўзлаштириш бўйича аудитория ва аудиториядан ташқари (мустақил) таълим билан биргаликда ҳафтасига 54 академик соатдан ошмаслиги керак.

**8.1.5.** ОТМ талабалар учун ўқиш дастурини, эҳтимолий индивидуал таълим дастурларини ишлаб чиқишни инобатга олган ҳолда, шакллантиришда реал иштирок этиш имкониятини таъминлашга масъул.

**8.1.6.** Ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларни уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириши, талабалар учун танлов фан(модул, курс)лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

**8.1.7.** Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ таълим дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

**8.2. Таълим дастурини татбиқ этилиши**

***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури аккредитацияланган олий таълим муассасаларида ривожланаётган таълим технологияларидан, ахборот-коммуникация технологияларидан ва таълимнинг замонавий техника воситаларидан фойдаланиб тайёрлашда амалга оширилади.

Хорижий тилларни талабалар томонидан ўзлаштирилишига ҳамда педагоглар томонидан ўқитилишига эътибор устувор бўлмоғи ва шароит яратилиши керак.

Малака амалиёти замонавий корхоналарда, ташкилотларда ва илмий изланишлар олиб бораётган талабалар учун ИТИ ларида ва кафедра лабораторияларида ўтказилади, улар талабаларни амалиёт дастурларида кўзда тутилган иш жойлари билан таъминлашлари керак.

Ўқиш даврида талаба камида иккита Давлат аттестацияларини (гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий ва чет тили фанларидан) топширади ва битирув ишини ҳимоя қилади. Давлат аттестацияси мос фанлар бўйича ўқув жараёни тугаллангандан кейин топширилади.

**8.3. Малака амалиётини ташкил этиш талаблари**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар ўқув ва (ёки) ўқув-ишлаб чиқариш машғулотлари кўринишида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёрлигига бевосита йўналтирилади. Бакалаврлар тайёрлашнинг таълим дастури – ишлаб чиқариш ва битирув иши олди амалиётлари ўтишини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш амалиёти корхона юридик шахслар – овқатланиш субъектлари билан танишиш ва унга тавсиф бериш; корхонанинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ айрим атама ва тушунчаларни ўзлаштириш; корхонадаги маъмурий ходимлар ва ишчилар сони, таркиби, малакаси ва корхона бошқаруви схемаси билан танишиш;

– овқатланиш корхонасида маҳсулотларга бирламчи ишлов бериш усуллари ва турларини, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш; савдо корхонасида маҳсулотларни сақлаш, тарқатиш, сотиш жараёнлари билан танишиш; овқатланиш хизмати сервисида мижозларга хизмат кўрсатиш шакллари ва қоидалари билан танишиш; ресторан ишида қўлланиладиган техникалар, улардан фойдаланиш хавфсизлик техник қоидалари билан танишиш ва уларда ишлаш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT

Амалиётни ўтказиш муддатлари ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг талабалар бажарилган иш ҳақида амалиёт ўқитувчилари-раҳбарлари ва амалиёт ўтказилган корхона вакилларидан таркиб топган комиссия олдида ҳисобот берадилар. Баҳолаш шакли ўқув режасида белгиланади.

Битирув иши олди амалиётида битирувчини бевосита стандарт талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш; ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш; жамоада ташкилотчилик ва тарбиявий ишлар олиб бориш бўйича тажриба ҳосил қилиш;

– корхоналарнинг фаолиятига алоқадор бўлган ташқи муҳит омилларини таҳлил этиш; овқатланиш корхоналари сервис хизматида қўлланиладиган жиҳозлари технологик иш жараёнларида ўрганиш, ишлатиш, улардан фойдаланишни ўрганиш; сервис хизмат кўрсатиш жараёнларини жиҳозлар билан таъминланганлиги, маҳсулотлар ассортиментини, технологик жараёнлар босқичлари, хизмат кўрсатиш шакллари ва қоидаларини ўрганиш; амалиёт технологик жараёнлардаги камчиликларни аниқлаш, жойларда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

Талабанинг илмий тадқиқот иши амалиётнинг бир қисмини ташкил этиши мумкин. Илмий тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У битирувчини 8 семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этиши, курс ишларини касбий (махсус) даврнинг асосий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва ҳимоя қилинишини, талабанинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назарда тутади.

Талабалар илмий тадқиқот ишининг ташкил қилинишида қуйидагилар билан таъминланиши керак:

– курс ишларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;

– талаба мутахассис чиқарувчи кафедранинг илмий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда иш ўринлари билан таъминланиши;

– ОТМнинг АРМда мустақил илмий тадқиқот ишни олиб бориш имкониятини тақдим этиш;

– талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил қилиш;

– талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа ОТМларига маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

**8.4. Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича талаблар**

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга эга бўлган, билим, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар, фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат ўқув жараёни илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши керак.

Таълим жараёнига амалдаги тегишли тармоқ ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Бакалавриат таълим дастурини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар ҳар 3 йилда малакаларини ошириб боришлари керак.

**8.5. Таълим жараёнини ўқув-методик ва ахборот ресурслари билан таъминлаш талаблари**

Таълим дастури таълим дастурининг ҳамма ўқув курслари, фанлари (модуллари) бўйича ўқув-методик ҳужжатлар ва материаллар билан таъминланиши керак.

Таълим дастурининг амалга оширилиши ҳар бир талаба таълим дастуридаги фан (модул)ларнинг тўлиқ рўйхати бўйича шаклланадиган маълумотлар базаси ва АРМ фондидан фойдаланиш ҳуқуқи билан таъминланиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, [illegible]
NAZORATI [illegible]
AXBOROT [illegible]
JORIY [illegible]

Таълим дастури бўйича ҳар бир талаба ўрнатилган меъёрларга мос равишда,таълим дастурига кирувчи ҳар бир фан бўйича ўқув ва ўқув-методик чоп этилган ёки электрон нашрлар билан таъминланиши керак.

АРМнинг асосий фонди фанлар бўйича охирги 10 йилда (гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар – охирги 5 йилда) чоп этилган ўқув адабиётларининг босма ёки электрон нашрлари билан тўлдирилган бўлиши керак.

Ўқув адабиётидан ташқари қўшимча адабиёт фонди расмий маълумотнома-библиографик ва даврий нашрларни ўз ичига олиши керак.

Таълим дастурини тўлиқ амалга ошириш учун ОТМ нинг АРМ да таълим йўналишининг ўқув режасида келтирилган фанлар бўйича яратилган адабиётлар, ўқув-методик қўлланмалар ( камида ҳар 6 нафар талабага 1 та адабиёт) бўлиши керак.

Мамлакатимиздаги ва чет элдаги олий таълим муассасалари, корхоналари ва ташкилотлари билан оператив равишда ахборот алмашиш, замонавий касбий маълумотлар базалари, ахборотлар ва қидирув тизимларидан фойдаланиш имконияти билан таъминланган бўлиши керак.

***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврни тайёрлаш жараёнида асосан қуйидаги педагогик технологиялар ва ўқитиш методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

– ўқитишнинг интерфаол методи;

– муаммоли ўқитиш технологияси;

– ўйинли технологиялар;

– танқидий фикрлаш ривожланишининг педагогик стратегиялари;

– шахсий йўналганлик асосидаги педагогик технологиялар;

– ўқув жараёнини самарали бошқариш ва ташкил қилиш асосидаги педагогик технологиялар;

– ўқитишни дифференциациялаш;

– ўқитишни индивидуаллаштириш технологияси;

– дастурий ўқитиш технологияси;

– ўқитишнинг комплекс методлари (лойиҳавий метод, тармоқли режалаштириш методи, ақлий ҳужум, ассоциограммалар методи ва х.к.).

**8.6. Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар**

Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ҳамда курс иши, амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавр талим дастурини амалга ошириш учун ОТМ нинг минимал зарур бўлган моддий-техник базаси:

– маъруза аудиториялари;

– семинар ва амалий машғулотлари аудиториялари;

– илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар;

– ўқув машғулотларида кўргазмали материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар;

– амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар;

– илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари;

– интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари;

– семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши керак.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI AVTOMATLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BO'LIMI

## 9. Бакалаврни тайёрлаш сифати ва олий таълим муассасаси фаолиятини баҳолаш

**9.1.** Бакалавриат йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш қуйидагилардан иборат:

***ички назорат*** ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом асосида ўтказилади;

***якуний давлат назорати*** давлат таълим стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олиб, ўрнатилган тартибда амалга оширилади;

***давлат–жамоат назорати*** олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

***ташқи назорат*** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**9.2.** Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ тартибга солинади.

**9.3.** ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши керак.

**9.4.** Якуний давлат аттестацияси бакалавр битирув иши ҳимоясини ўз ичига олади.

Битирув ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

**9.5.** Олий таълим муассасаси:

– ушбу стандартдаги талабларга риоя қилинишини;

– профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув-ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келишини;

– ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминлаганини;

– ўқув жараёнининг моддий-техникавий таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

## 10. Эслатма

**10.1.** Олий таълим муассасасига:

– ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материалини ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5% оралиғида, блокка кирувчи ўқув фанлари учун 10% оралиғида ўзгартириш;

– ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Талаба битирув ишининг мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

**10.2.** Курс ишлари муайян ўқув фаолиятининг бир тури сифатида кўрилади ва ушбу ўқув фанини ўзлаштириш учун ажратилган соатлар чегарасида бажарилади.



O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, ... NAZORATINI ... VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI ... JORIY ... BOSHQARMASI

**10.3** ДТС ни билиш профессор-ўқитувчилар таркибини танлов асосида саралаш шартларидан бири ҳисобланади.

**10.4.** ***5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)*** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ҳафталик аудитория ўқув юкламаси – 32 соат бўлган тузилма асосида ишлаб чиқилади.

## 11. Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати

**11.1.** ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати - камида 5 йил.

**11.2.** Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса ДТС нинг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI AVTOMATLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Илова

*5610100 – Хизматлар соҳаси (ресторан иши)* **бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Т/р | Фанлар блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юкламанинг хажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00** | **Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар** | **1704** |
| **2.00.** | **Математик ва табиий-илмий фанлар** | **1016** |
| 2.01 | Олий математика | 310 |
| 2.02 | Информатика ва ахборот технологиялари | 260 |
| 2.03 | Физика ва кимё | 240 |
| 2.04 | Илмий изланиш асослари | 88 |
| 2.05 | Иктисодий география ва экология | 118 |
| **3.00.** | **Умумкасбий фанлар** | **3434** |
| 3.01 | Овкатланиш корхоналарида санитария ва гигиена | 198 |
| 3.02 | Касбий этика ва этикет | 202 |
| 3.03 | Сервис фаолияти асослари | 342 |
| 3.04 | Хизмат кўрсатиш корхоналарининг электрон техникаси | 184 |
| 3.05 | Бухгалтерия хисоби ва аудит | 148 |
| 3.06 | Сервисда технологик жараёнлар | 408 |
| 3.07 | Таом ва хизматлар сифат кўрсаткичлари | 340 |
| 3.08 | Менежмент | 196 |
| 3.09 | Маркетинг | 224 |
| 3.10 | Дизайн ва реклама | 182 |
| 3.11 | Мехмондорчилик индустрияси | 282 |
| 3.12 | Хизматлар соҳаси иктисодиёти | 242 |
| 3.13 | Хизматларни сертификатлаштириш ва сифатини бошкариш | 231 |
| 3.14 | Танлов фанлари | 255 |
| **4.00.** | **Ихтисослик фанлари** | **740** |
| 4.01 | Ресторанларда ишлаб чикариш технологияси | 150 |
| 4.02 | Дунё халклари овкатланишининг хусусиятлари | 150 |
| 4.03 | Овкатланиш корхоналари жиҳозлари эксплуатацияси | 150 |
| 4.04 | Ресторан ишини ташкил этиш | 205 |
| 4.05 | Танлов фанлари | 85 |
| **5.00** | **Қўшимча фанлар** | **450** |
| 5.01 | Ҳарбий тайёргарлик | 450 |
| | **Жами** | **7344** |
| | **Малака амалиёти** | **702** |
| | **Битирув иши** | **270** |
| | **Аттестация** | **1026** |
| | **Жами** | **1998** |
| | **ҲАММАСИ** | **9342** |

***Эслатма:*** *Ушбу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳажмига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.*

O'ZSTANDART AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISH BOSHQARMASI

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7. Гурух Т 45

ОКС 01.040.01

---

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модул, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият сохаси, бакалавриат, бакалавриатнинг таълим дастурлари, профил, ўкув-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, АРМ, ИТИ, ОТМ, хизматлар сохаси, овкатланиш сервиси, таълим дастури, таълим йўналиши, тўпламлар назарияси, математик модел, детерминант, ахборот маданияти, операцион тизим, каттик диск, алгоритм, махсулотлар базаси, тармок, веб браузер, концентрация, ўнли классификатор, изланиш йўналиши, изланиш натижаси, изланиш методи, библиографик маълумот, электрон картотека, сервис технология жараёни, сервис, сервис жараёнлари, хизматлар сифати, инновация, истеъмолчи, хизмат кўрсатиш шакли, ижтимоий дастур, менежмент, маркетинг, бозор конъюктураси, персонал, ракобатбардошлик, коммуникация, сегментлаш, ёндашув, тамойил, стратегик, харид фонди, тадбиркорлик, бизнес, инвестиция, самарадорлик, асосий фонд, бизнес-режа, таннарх, касбий этика, касбий бурч, сўзлашиш этикети, санитария режими, гигиена, санитария, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, хавфсизлик, технологик жихоз, овкатланиш, мехмондорчилик, эксплуатация, хизмат кўрсатиш усуллари, ресторан хизмати, гюмнома.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BO'SHQARMASI

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази

Директор__________ **Б.Ҳ.Раҳимов**
2014 йил «3» февраль
М.Ў.

Самарқанд иктисодиёт ва сервис институти

Ректор__________ **Т.Ҳ.Қудратов**
2014 йил «30» январь
М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети

Ректор__________ **А.В.Ваҳобов**
2014 йил «30» январь
М.Ў.

«Ўзбектуризм» МК Самарқанд минтақавий бўлими

Бошқарувчиси__________ **И.Б.Суванов**
2014 йил «6» февраль
М.Ў.

Самарқанд шаҳар «Сиёб саховат» Масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси

Директор__________ **Ф.Ахмедов**
2014 йил «6» февраль
М.Ў.

«ELXOLDING» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

Директор ўринбосари__________ **М.Ф.Юлаев**
2014 йил «6» февраль
М.Ў.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, SERTIFIKATLASHTIRISH VA ...
NAZORAT ...
...

## Ижодий гурух раиси ва аъзолари

### Ижодий гурух раиси ва ўринбосари

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Ижодий гурух раиси** | А.Бектемиров | **Ўкув ишлари бўйича проректор** | [imzo] |
| **Ижодий гурух раиси ўринбосари** | А.Худойбердиев | **Кафедра мудири** | [imzo] |

### Ижодий гурух аъзолари

Ижодий гурух аъзолари

| Т/р | Ўкув фанлари (курслар)нинг номи | Таянч ОТМдан | | Турдош ОТМдан, асосий кадрлар истеъмолчиларидан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо | Ф.И.Ш., лавозими, илмий даражаси ва унвони | Имзо |
| **3.00** | **Умумкасбий фанлар** | | | | |
| 3.01 | Овкатланиш корхоналарида санитария ва гигиена | Шукуров И.Х., т.ф.н. | [imzo] | | |
| 3.02 | Касбий этика ва этикет | Худойбердиев А.Ю., т.ф.н., доцент | [imzo] | | |
| 3.03 | Сервис фаолияти асослари | Файзиев Ж.С., т.ф.н., доцент | [imzo] | | |
| 3.04 | Хизмат кўрсатиш корхоналарининг электрон техникаси | Курбонов Ж.М., т.ф.д., профессор | [imzo] | | |
